

74.3  
U 77



**ACCU-UNESCO Asia-Pacific ESD Programme**  
under UNESCO Japan Fund-in-Trust for the Promotion of Education for Sustainable Development



# ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ



СН000009163

Инклюзив таълим 2

74.3  
1177  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА РЕСУРС МАРКАЗ  
ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ЮНЕСКО МАДАНИЙ  
МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЮНЕСКО ВАКОЛАТХОНАСИ  
ЮНЕСКО ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ КОМИССИЯСИ

*Р.Шомахмудова*

# ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

*Ўқув-методик қўлланма*

4  
Nizomiy nomli  
TDPU  
kutubxonasi

011448/1

ТОШКЕНТ – 2007

Осиё ва Тинч океани минтақаси ЮНЕСКО маданий маркази ва ЮНЕСКО Осиё ва Тинч океани минтақасининг ҳамкорликдаги «Барқарор ривожланиш таълими» инновацион дастури доирасида нашр этилди.

This methodological manual was published with financial support of ACCU-UNESCO Asia Pasific Innovation Programme for ESD.

Тақризчилар:

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ кафедра мудири *У.Файзуева*,  
ТДПУ дефектология кафедраси мудири, п.ф.н., доцент *М.Аюпова*

«Инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари» номли ўқув қўлланма муаллиф томонидан жаҳон тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистонда интеграциялашган, инклюзив таълим тизимини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган дастлабки илмий-амалий изланишлар ва халқаро ташкилотлар: ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик лойиҳалари, шунингдек имконияти чекланган болаларга турли хил хайрия ёрдамларини кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари «Оперейшн Мерси», «Мерси Проект», миллий жамолар иштирокидаги тажрибаларни умумлаштириш асосида илк бора яратилди.

Мазкур ўқув қўлланманинг таркибий қисмини имконияти чекланган болаларнинг инклюзив таълими, яъни умумтаълим тизимида ўқитишнинг мазмуни, асосий тамойиллари, талаблари ва унинг моҳияти, тарихи, Ўзбекистонда бу таълим тизимини жорий қилишда амалга оширилган ишлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари ва интеграциялашган таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади. Инклюзив таълим жорий қилинган муассасалар педагоглари учун дарс ва машғулотларнинг тахминий ишланмалари, индивидуал дастурлари билан ишлаш услублари, инклюзив таълим муассасалари педагоглари ва вакиллари, инклюзив таълимнинг модели, ҳуқуқий асослари, инклюзив таълимнинг самарадорлиги схемалар асосида қайд этилган.

Ушбу ўқув-методик қўлланмадан умумтаълим мактаб педагоглари, мутахассис дефектологлар, ота-оналар, имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси билан фаолият юритувчи нодавлат ташкилотлар кўнгилчилари, реабилитация марказ ходимлари, педагогика ўқув юртлири талабалари, профессор-ўқитувчилар, педагоглар малакасини ошириш институтлари тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўз иш фаолиятларида қўлланишлари мумкин.

---

## I. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асослари

Давлатимизнинг устувор сиёсати ёш авлодни ақлан теран, жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама ривожланган комил инсон қилиб вояга етказишдан иборат. Ҳукуматимизнинг қатор қонун ва қарорларида жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларни ижтимоий қўллаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга ўргатиш, соғлом болалар қаторидан ўрин олиб ўз қобилияти, имкониятларини кўрсата олишга, маънавий камол топишга асос солувчи чора-тадбирлар алоҳида қайд этилганлиги Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил) «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»(1997 йил) ва бошқа қатор қонун ва қарорларда алоҳида қайд этилган. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан Ногирон болаларни ижтимоий қўллаш таълим тарбиясини такомиллаштириш ва унинг мазмунини жаҳон стандартларига мослаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан 1989 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги»ги Конвенция ҳамма болаларни, шу қатори махсус эҳтиёжли болалар ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади ва қўллаб-қувватлайди. Айнан 2, 23, 28, 29- моддаларда махсус эҳтиёжли болалар ҳуқуқлари белгиланган.

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддаси махсус ёрдамга муҳтож болалар учун асосий модда ҳисобланади. Унда мазкур Конвенциядаги ҳар бир модда ирқи, дини, миллати, этник ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча болаларга тегишлилиги ҳақида таъкидланиб, «Барча ҳуқуқлар ҳар бир бола учун тегишли. Камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларида боланинг ҳимоясини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш иштирокчи давлатлар мажбуриятларига киради» деб баён қилинган.

Шунингдек, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 23-бандида махсус эҳтиёжли болаларнинг таълими хусусида қуйидагича таъкидланган «Ногирон боланинг махсус эҳтиёжларини аниқлаб, уни ижтимоий ҳаётга қўшиши ва шахс сифатида ривожланишига ёрдам бериши керак.

Саламанка баёноти ва иш фаолияти режаси инклюзив таълим бўйича халқаро миқёсдаги ҳужжатдир. Ушбу ҳужжат 1994 йилда

ЮНЕСКОнинг махсус эҳтиёжли шахслар таълимини ташкил этишга қаратилган «Таълим ҳамма учун» гоясини рағбатлантиришга йўналтирилган. Саламанкада ташкил этилган Конференцияда инклюзив таълим концепциясининг ривожланиши учун зарур бўлган сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, услубий ўзгаришлар кўриб чиқилди. Шу асосда таълим тизими ва мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилди ва алоҳида эҳтиёжли болаларнинг умумтаълим тизимида таълим олиши учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди.

Ушбу ҳаракат режасининг асосий тамойиллири жумласига қуйидагилар киради: «Мактаблар жисмоний, ақлий, ижтимоий ва ривожланишидаги бошқа нуқсонларидан қатъий назар ҳамма болаларни қабул қилиши шарт...» (Саламанка Баёноти, 3-банд)

Махсус ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасалари тизимига киритишнинг муҳим масалалари Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳуқуқий-меъёрий томондан асосланмоқда. 2005 йил 19 сентябрь куни «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»и ишлаб чиқилиб, ХТВ томонидан тасдиқланди. Мазкур Низомда умумтаълим муассасалари шароитида махсус ёрдамга муҳтож болаларни ўқитиш тизимининг мазмуни, йўллари, ташкилий асослари, инклюзив таълимнинг иштирокчилари, бу таълим муассасаларига жалб этиладиган болалар, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш мукамал ифода этилган.

Ногирон болалар муаммоси бугунги кунда барча ривожланган давлатларнинг кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ногирон болаларни жамиятдан ёки жамоадан четлаштиришни ҳеч қандай мамлакат қонуни қувватламайди. Алоҳида эҳтиёжли болаларни даволаш, тарбиялаш ва уларга яқиндан ёрдам бериш билан боғлиқ масалалар ҳамма вақт кенг жамоатчиликни ташвишлантириб келган. Кейинги йилларда махсус ёрдамга муҳтож болаларга бўлган муносабат ва ғамхўрлик дунё миқёсида ўзгара бошлади.

Ривожланган хорижий давлатларда 1970-80 йиллардан бошлаб махсус ёрдамга муҳтож болалар барча қатори умумтаълим муассасаларида ва тенг шароитда таълим олиши, жамият ишларида фаол иштирок этиши каби бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ногиронларни қўллаб-қувватлаш, таълим бериш, тарбиялаш, касбга йўналтириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш каби бир қатор қонун ва қарорлар, ўқув методик адабиётлар, илгор иш тажрибалари нафақат халқаро миқёсда, балки Ўзбекистонда ҳам тарғибот қилинмоқда.



Имконияти чекланган болалар учун қандай таълим турларини ташкил этиш, қанча муддат ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш каби муаммолар жамоатчиликни қизиқтириб келган ва бундай муаммолар ўз ечимини топмоқда.

## II. Таълимни ташкил этиш турлари

Ҳозирги кунда Республикаимизда алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирлар таълими, уларнинг нуқсон турлари ва унинг даражаларини инобатга олган ҳолда қуйидагича тизимда ташкил этилган:

- махсус мактабгача таълим;
- махсус умумий-ўрта таълим;
- уйдаги яқка тартибдаги таълим;
- мактабгача умумтаълим муссасаслари қошидаги интеграция гуруҳлари;
- умумтаълим мактаблари қошидаги интеграция ва инклюзив синфлари.

Махсус таълимнинг 8 йўналиши (ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, нутқида, кўришида ва эшитишида нуқсонли бўлган болалар) буйича коррекцион таълим республикаимизда шаклланган ва уларнинг нуқсон турига кўра таълим мазмуни услубий томондан ишлаб чиқилмоқда. Янги таҳриридаги Давлат таълим стандартлари асосида махсус коррекцион таълимнинг узлуксиз тизими буйича Давлат талаблари, дастур, дарсликларнинг янги авлодлари, ўқув-методик мажмуалар ҳозирги кунда яратилмоқда.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан имконияти чекланган болалар таълимига эътибор янада фаоллашди. Республикаимиз Президенти И. А. Каримов томонидан 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 23 январда 573-сонли қарори билан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастури тасдиқланди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастурида ҳар бир йўналишдаги махсус муассасаларнинг ўқув хоналарини жиҳозлаш, болаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб таълимнинг самарадорлигини ошириш, уларни касб-ҳунарга йўллаш; жамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзоси этиб вояга етказиш; имконияти чекланган болаларни умумий ва махсус таълим муассасаларида таълим олишлари учун ижтимоий, техник, таълимий шароитларни яратиш; замонавий асбоб-ускуналари ёрдамчи техник воситалар, жиҳозлар билан таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш; таълим тизими ва мазмунини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни Давлат



дастурига киритилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Бундан кўзланган бош мақсад энг аввало, алоҳида эҳтиёжли болалар таълимини давр талабларидан келиб чиқиб, уларнинг хусусиятларига мос равишда таълим биносининг реконструкция қилиниши, малакали кадрлар билан таъминланиши, зарурий моддий-техник базага эга бўлиши, дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар, ёрдамчи техник воситалар билан таъминланиши эътиборга олинди. Ушбу Дастурнинг 4.2-бандида махсус таълим муассасасига қатнашга имконияти бўлмаган алоҳида эҳтиёжли болаларни жойлардаги умумтаълим-инклюзив таълимга жалб этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва бу хусусида «Таълим тўғрисидаги» қонунга қўшимчалар киритиш масалалари киритилди. Шунингдек, бу вазифаларни амалга оширишда мутасадди ташкилотлар Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Республика Таълим маркази, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ва бошқа нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши алоҳида қайд этилган.

«Инклюзив таълим нима?» — деган савол бўлиши табиий. Инклюзив таълим-(инглиз тилидан олинган, *inclusion*-ўз ичига олиш, киритиш деган маъноларни билдиради) бу давлат сиёсати бўлиб, ногиронлиги ёки бошқа сабаблар туфайли махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун мослашувчан ва индивидуаллашган ёрдам тизимидир. У умумий таълим тизимининг муҳим қисмини ташкил қилади ва ҳамма учун бирдек таълим беришчи оддий мактабларда олиб борилади.

Инклюзив таълим билан бир қаторда бугунги кунда интеграциялашган таълим ҳам мавжуд. Интеграциялашган (инглиз тилида integration-, бирлашиш, қўшилиш, яхлитлик деган маъноларни билдиради) таълим бу — диққат марказида айнан боланинг мактабга келиб-кетиши турган махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиши.

Инклюзив таълим асосан умумтаълим мактабларининг оддий синфларида ва махсус эҳтиёжли болаларнинг яшаш жойига яқин бўлган муассасаларда олиб борилади. Бундай мактаблар барча болаларнинг турли жисмоний эҳтиёжлари, якка хусусиятлари, уларнинг қобилиятлари, ўқитиш усуллари ва таълим босқичларидаги фарқларни аниқлайди ҳамда уларнинг имкониятлари, ўзлаштириш даражаларини инobatга олган ҳолда табақалаштирилган таълим тизимини ташкил этади. Ногирон болаларнинг махсус таълим ёки умумтаълим муассасаларида таълим олиши уларнинг нуқсон турини енгил ёки оғир даражасини эътиборга олган ҳолда жойлардаги психолого-тиббий-педогогик ташхис комиссиясининг хулосасига кўра амалга оширилади. Бугунги кунда енгил даражадаги нутқ нуқсонли, фалаж, ақлий ривожланиши сустрлашган болалар заиф кўрувчи ва заиф эшитувчилари, умумтаълим мактабларининг интеграция синфларида, айримлари эса инклюзив синф ёки гуруҳларда таълим олиши ташкил этилган. Имконияти чекланган болаларни тўлақонли таълимга жалб қилиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги махсус таълим соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган мутахассислар, халқаро ташкилотлар ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ лойиҳалари асосида ҳамкорликда инклюзив таълим тизимини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда.

Имконияти чекланган болаларнинг нуқсон турига кўра махсус ёки умумтаълим муассасаларига қабул қилиши Психолого-тиббий-педагогик комиссия, ташхис марказларининг тўғри ва сифатли ташхис қўйишларига боғлиқ албатта. Инклюзив таълимни жорий қилишнинг асл моҳияти таълимга жалб этилмаган алоҳида эҳтиёжли болаларни тўлақонли таълимга жалб қилиш «Таълим ҳамма учун» Миллий режа ва дастури талабларини бажаришдир. Бунга барча мутасадди ташкилотлар, жумладан, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, ҳуқуқий органларнинг жойлардаги бошқармалари ҳамкорликда иш олиб боришлари жоиз. Уларнинг бевосита иштирокида имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим тизимида мослаштирилган якка тартибда ёндашилган ўқув режа ва дастурлар асосида таълим беришни йўлга қўйиш назарда тутилади.

Инклюзив таълим жамоавий иш бўлиб, жавобгарлик бутун мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жамоаси буйнига юклатилади.



Инклюзив таълимда методик ёрдам турли хил шаклларда бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- синф ўқитувчисига маслаҳат ва ёрдам бериш;
- махсус ўқитиш қўлланмалари ва ёрдамчи материаллар билан таъминлаш;
- ота-оналар, кўнгиллилар ёки катта ўқитувчилар томонидан мавжуд бўлган ёрдамларни таъминлаш;
- ўқув режа, дарс жадвали, баҳолаш мезонларига мослаштириш ва ўзгаришларга қўништириш масалаларини шаклантириш;
- ўқитувчилар билим ва малакаларини ошириш учун шароит яратиш;
- фаол қўллаб-қувватловчи раҳбар ва шу кабиларни ўз ичига олган ижобий мактаб муҳитини ташкил этиш ва таълим жараёнида дўстона муносабатни шаклантириш;
- маъмуриятга болаларни аниқлаш ва баҳолашда ёрдам курсатиш;
- ижтимоий, психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Ушбу таълим тизимида болаларнинг нуқсонларини аниқлаш, уларни муолажа-реабилитация қилиш, коррекцион-педагогик омилларни амалга ошириш бўйича тегишли мутахассислар (махсус ресурс педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари, ота-оналар ва бошқалар) мунтазам равишда мактаб педагогларига бевосита ёрдам беришлари керак.

Инклюзив таълим ногиронларнинг ижтимоий тенгдошлари билан бир қаторда таълим олишини таъминлайди, (агарда уларнинг ривожланишида жиддий сабаблар бўлмаса) мунтазам равишда мактабларга қабул қилинишини назарда тутди.

Ўта мураккаб нуқсонли болалар айрим ҳолларда махсус мактаблар ва махсус реабилитация марказлари ёки мунтазам мактаблар қошидаги махсус синфларда коррекцион дастурлар ёрдамида таълим оладилар. Ушбу мактабларда таълим таъминоти албатта боланинг заруриятини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилади.

Мунтазам таълим жараёни имконияти чекланган боланинг шахсий хусусиятларига кўра яқка тартибда коррекцион методлар ва мослаштирилган ўқув режа, дастурлар ва бошқа омиллардан фойдаланиб, атрофдаги жамоатчилик билан биргаликда ўқитишнинг турли шакллари ташкил қилиш ҳамда махсус ёрдамчи аппаратлар, (эшитиш аппаратлари, линза, лупа, ногиронлар аравачалари) турли хил техник воситалар ва махсус кўргазмали қуролларни қўллаш асосида амалга оширишни назарда тутди. Ўз навбатида махсус таълим муассасалари педагоглари жойларда умумтаълим ўқувчилари, ота-оналар, давлат ва нодавлат жамоа

ташкilotлари учун маслаҳат бўлимлари ва ресурс марказлар бўлиб фаолият кўрсатиши керак.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш — инклюзив таълим учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш лозим:

— ногиронликни эрта ташхис қилиш;

— умумтаълим муассасалари биноларида алоҳида эҳтиёжли болалар учун мослаштирилган барча шарт-шароитлар (иншоотлар)ни яратиш;

— коррекцион ёрдамни амалга оширишда марказ тармоғини кўпайтириш;

— умумтаълим муассасалари ва махсус таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, яъни «биродарлашган» муассасалар фаолиятини юзага келтириш;

— айрим ногирон болаларни умумтаълим шароитида ўқитишни ташкил этиш мақсадида умумтаълим педагогларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларидан ўтказиш ва уларни махсус ёрдамчи воситалар, ўқув методик адабиётлар, услубий қўлланмалар билан таъминлаш, шунингдек мактабда турли дастурлар ёрдамида таълимни ташкил этиш;

— барча болалар учун таълим шароитини яратиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

Ўз навбатида махсус таълим муассасалари педагоглари жойларда умумтаълим ўқитувчилари, ота-оналар, давлат ва нодавлат жамоа ташкilotлари учун маслаҳат бўлимлари ва марказлар бўлиб фаолият кўрсатиш назарда тутилади.

Анъанавий термин — «Махсус таълим», яъни сегрегацион таълим ногирон ўқувчилар таълимини умумтаълим мактабидан ташқарида ёки у билан боглиқ ҳолда махсус коррекцион усуллар асосида олиб боровчи тизимни англатади.

### **III. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва унинг асоси**

«Таълимнинг узлуксизлиги янги глобал иқтисодиётнинг калитидир. Таълимнинг ривожланиши, ижтимоий тараққиёт ва инсон озодлиги учун туб аҳамиятга эга» — деган эди БМТ бош котиби Кофи Аннан.

Аммо бугунги кунда ҳам жуда кўплаб болалар турли хилдаги сабабларга кўра таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Бу муаммони ҳал этишда «Таълим барча учун» тамойили асос бўла олади.

Шунинг учун ҳам инклюзив таълим тизимида қуйидаги мақсад ва вазифалар ҳал этилади:

— таълим муассасасида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарур психолого-педагогик, коррекцион шароитларни яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш орқали руҳий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;

— махсус таълим муассасаси ўқувчиларни умумтаълим мактаблари билан уйғунлашган ҳолда фаолият олиб бориш йўли билан ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

— жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, болаларнинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;

— имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг оилалардан ажрамаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

— жамиятда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан. дўстона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантиришдир.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш, яъни Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим тизимини жорий этиш учун қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосланилди:

— «Ногирон шахслар ҳуқуқлари» тўғрисидаги Декларация (1975 йил)  
— «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги» Конвенция (1989 йил);  
— «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» (1948 й);  
— «Ақли заиф шахслар ҳуқуқлари» тўғрисидаги Декларация (1971 йил);

— Ногиронларнинг таълим олиш ҳуқуқларини таъминловчи Саламанка баёноти ва иш фаолияти режаси (1994 йил);

— «Таълим ҳамма учун» Дакар декларациясининг Миллий ҳаракат дастури режаси (2000 йил. );

— Ўзбекистон Республикаси «Ногиронлар ҳуқуқини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун (1991 йил);

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 йил)

— «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» (1997 йил);

— Халқ таълими вазирлиги ва ЮНЕСКОнинг ҳамкорликдаги «Таълим ҳамма учун» Миллий режа дастури (2003 йил)

— «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим муваққат Низоми» (2005 йил) ва бошқалар;

— «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш» Давлат умуммиллий дастури (2004-2009 йил)

— Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури (2007 йил)

#### IV. Инклюзив таълимни жорий қилишда барча мамлакатларнинг вазифалари

Инклюзив таълимни жорий қилишда ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий имкониятларидан келиб чиқиб, таълим тизимини ва мазмунини янгилаш, такомиллаштириш жараёнида халқимизнинг миллий қадриятлари, тарихий обидалари, анъаналарини болалар онгига сингдириш ва улардаги хусусий фарқларни, яъни ривожланишдаги айрим нуқсон даражаларини эътиборга олган ҳолда таълим тизимига қамраб олишга имкон яратади. Ушбу таълим тизимини жорий этиш бўйича илғор тажрибага эга бўлган давлатлар билан тажриба алмашиш ва бизнинг таълимимизга қулай бўлган услубларни қўллаш ва босқичма-босқич амалга оширилишини талаб этади. Ривожланишида нуқсонли бўлган шахсларни мунтазам мактабларда таълим олиш эҳтиёжини қондиришга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни режалаштириш ва қарор қабул қилиш жараёнида ота-оналар, жамоалар иштирокини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Инклюзив таълимга жалб қилишнинг ташкилий, илмий-услубий чораларини кўриб чиқиш, яъни мутахассисларни тайёрлаш, малакасини оширишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларига жалб қилишнинг икки асосий омилли бор:

**Биринчидан**, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан биргаликда ўзаро фаолият кўрсатишга эга бўлишлари мумкин. Инклюзив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, махсус эҳтиёжли болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, соғлом болалар эса ижтимоий адолат ва тенгликнинг тан олинishi буюклигини, ногирон болаларга нисбатан янада меҳрибон ва эътибор билан муносабатда бўлишни ҳис этадилар.

**Иккинчидан**, ногирон болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан ёнма-ён ўқиш, тарбияланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу ишларнинг муваффақияти ҳар бир давлатнинг қонунларида акс этилиши зарур. Чунки, қонунлар, уларни керакли моддий ва маънавий ресурслар билан таъминланишини амалга оширишни кафолатлайди. Имконияти чекланган болалар-ўқувчиларга таълим беришда, ота-оналар, маҳаллалар педагоглар, мутахассислар ҳамкорлигида фаолият кўрсатишлари талаб қилинади ва мажбурий шарт ҳисобланади.

Алоҳида эҳтиёжли болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан биргаликда ўз қобилияти даражасида фаолият кўрсатиши, таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши ва ривожланиши мумкин. Инклюзив



таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, махсус ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, ижтимоий ҳаётда тенг ҳуқуқлилигини, ўз тенгдошлари билан бирга билим олишлари мумкинлигини ҳис этадилар.

#### **V. Халқаро миқёсида ва Ўзбекистонда инклюзив таълим концепциясини жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишлар**

1990 йил Джонмтиен Таиландда жуда муҳим коференция ўтказилди. Бу коференция «Таълим ҳамма учун» мақсадини шакллантиришга қаратилган бўлиб, унга 155 та давлат вакиллари ва 150дан ортиқ нодавлат ташкилотлари қўшилдилар. Таҳлил шуни кўрсатадики, тахминан 10-15% болалар махсус таълимга муҳтож эканлиги аниқланди.

Джонмтён (Таилан)да ўтказилган коференция асосида «Таълим ҳамма учун» шиорини қўллаб-қувватлаш ва амалиётга татбиқ қилишни таҳлил этиш мақсадида 1994 йилда ЮНЕСКО ташкилоти ва Испания давлати билан ҳамкорликда Саламанка - Испания умумжаҳон коференцияси ўтказилди. Ушбу коференция иштирокчиларининг мақсади ва вазифаси бутун дунёдаги имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим муассасаларида таълим олишлари учун қулайликлар яратиш, мактабда ўқитиш вазифасини амалга ошириш учун мактаб ислохотларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишга қаратилган эди.

Ушбу коференция таълим олишга эҳтиёжли ногирон болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни амалиётда қўллаш учун замин яратди. «Бола ҳуқуқлари Конвенцияси»нинг 23, 24-бандларида ҳам уларнинг барча мавжуд имкониятларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқли эканликларини, жамиятнинг турли жабҳаларда фаолият кўрсатишларини кафолатлайди.

2000 йилнинг 26-28 апрель кунлари Дакар-Сенегалда ўтказилган Халқаро форумда «Таълим ҳамма учун» миллий ҳаракат режа - дастурини бажариш мақсадида кенг қамровли ишларни ҳамкорликда ва халқаро миқёсда олиб борилиши лозимлиги ҳамда барча ривожланган мамлакатлар 2015 йилга қадар ҳамма учун тенг мажбурий таълимга ўтишлари таъкидланган. Бу муаммо бўйича тажрибаларни ўрганиш ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

Ногиронларни умумтаълим тизимида ўқитиш масалаларига эътибор бериш Республикамизда 1996 йилда Ўзбекистон

Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва ЮНЕСКО ташкilotи билан ҳамкорликда республика семинари ўтказилиши билан амалга оширила бошлади. Шу даврдан бошлаб олимлар, махсус таълим тизимидаги раҳбар ходимлар, педагоглар, умумтаълим муассасаларининг раҳбарлари ва нодавлат жамоа ташкilotларининг ногиронлар таълими эҳтиёжини қондиришга қаратилган муносабатлари ўзгара бошлади.

Республика Таълим марказининг махсус таълим бўлими ходимлари имконияти чекланган болаларни интеграциялашган таълим жараёнида таълим олиш стратегиясини кенг жорий қилиш мақсадида ЮНЕСКО ташкilotи билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда интеграциялашган инклюзив таълим тизимини амалиётга татбиқ қилиш мақсадида ЮНЕСКО халқаро ташкilotи лойиҳаси асосида бир неча бор Республика семинар-тренинглари ва халқаро конференциялар ўтказишга муяссар бўлинди. Конференцияларда кўтарилган долзарб муаммолар, масалалар, тавсиялар ва иштирокчиларнинг маърузалари халқаро тўпلامда чоп этилди ва оммага тарқатилди. Ҳозирги кунда Республикамизда инклюзив таълим концепциясини жорий қилишда асосий дастуриамал бўлиб келмоқда.

1998 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Бухоро шаҳрида йирик Конференция ўтказилди. Конференциянинг мақсади алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаш, реабилитация қилиш, таълимга жалб қилиш, моддий, техникавий ёрдамларни ташкilot қилиш ва



уларни тўлақонли жамиятга мослаштиришга оид турли ташкилий услубий ишларни амалга оширишда Марказий Осиёда кўп тармоқли алоқалар ўрнатиш эди.

Ушбу Конференцида БМТ, ЮНИСЕФ, ВОЗ ташкилотларининг экспертлари шунингдек, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги турли хил давлат ва нодавлат ташкилотлар, маъмурий органларнинг мутасадди ходимлари иштирок этдилар. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий қўллаш ва барча қатори тенг ҳуқуқли шароитда таълим олиши ва бирон бир бола таълимдан четда қолмаслиги масаласи жиддий муҳокама этилди ва резолюциялар қабул қилинди. Ушбу халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг тасарруфидаги турли маъмурий ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз тажрибалари билан фикр алмашдилар ва республикада ушбу муаммони ҳал қилиш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу боис Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни тўлақонли махсус таълимга жалб қилиш ва интеграция усулида таълим олиш 2001-2002 йилларда бирмунча фаоллашди. Бунга асос Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, халқаро ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ташкилотларининг инклюзив таълимни Ўзбекистонда жорий қилиш концепциясини амалга оширишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич амалиётга татбиқ қилиб келишидир. «Оперейшен Мерси», «Мерси прожект» нодавлат халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи миллий нодавлат ташкилотлар, жумладан «УМР», «Зиё», «Имкон», «Ҳаёт», «Умидворлик», «Ёруғлик», «Муруват» (Самарқанд), «Мезон», «Меҳригиё», «ШАНС», «Ниҳол», «Коррекцион педагогик Реабилитация маркази» кабилар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар бўйича амалга ошириб келинган ишлар, чора-тадбирлардир.

2002 йил Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг илк асоси сифатида Республика таълим маркази махсус таълим бўлими томонидан «Ўзбекистон республикасида алоҳида ёрдамга муҳтож болалар очик таълим тизимини ривожлантириш чора-тадбир режаси» ишлаб чиқилди. Бу режа дастурда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим тизимга киритишнинг қуйидаги ташкилий асослари ёритиб берилди:

— оммавий ахборот орқали жамият онгини инклюзив таълимга тайёрлаш;

— Республикадаги алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар ҳақида ахборот банки яратиш;

— барча турдаги нуқсонли болалар учун умумтаълим ва яқка тартибда оилаларда ўқитилиши бўйича турли хил ўқув-методик

адабиётлар, дидактик воситалар ишлаб чиқиш ва таъминлаш масалалари қайд қилинган.

Айниқса, 2001 йил 21-23 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик тарбиялаш» мавзусидаги халқаро конференцияда турли хорижий мамлакатлар, Қозоғистон, Россия, СНГ давлатлариинг экспертлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар. Конференцияда қатнашган шахар ва вилоят халқ таълими бошқарма вакиллари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш вазирликлари, мутахассислар, Олий таълим профессор ўқитувчилари, малака ошириш институтлари ходимлари, нодавлат жамоат ташкилотлари, ногирон болалари бўлган ота-оналар, матбуот ва ахборот воситалари ходимлари, журналистлар қатнашиб, ҳозирги кунда вужудга келаётган муаммолар устида тўхталиб, баҳс-мунозара юритдилар. Бу конференцияда имконияти чекланган болаларнинг қобилиятлари, меҳнат натижалари, санъат, спортда эришган ютуқлари ва маҳоратлари намойиш этилди. Унинг таҳлили шуни кўрсатдики алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни инклюзив таълим тизимида таълим олиши уларнинг ривожланишига ижобий таҳсил кўрсатиши яна бир бор экспертлар томонидан қайд этилди.

Инклюзив таълим концепциясини Ўзбекистонда жорий қилиш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида турли хил чоратадбирлар уюштириш, матбуот-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари бир мунча фаоллашди.

Республика таълим маркази ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда 2001 йилда «Инклюзив таълим» мавзусида семинарини ўтказиб, унинг тавсияларига асосан Республика Таълим Маркази қошида «Инклюзив таълим ресурс маркази» ташкил этилди. «Инклюзив таълим ресурс маркази»нинг вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

— таълимга жалб этилмаган имконияти чекланган болалар таълимини ташкил этишга кўмаклашиш;

— инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш;

— жойлардаги ресурс марказларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

— имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарига фарзандларини тарбиялаш, мактабга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид турли шаклдаги тадбирларни ташкил этиш, маслаҳатлар бериш;

— имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синфлар ва гуруҳлар ташкил этиш, таълимни интеграция асосида олиб бориш қабилар.





2002 йилнинг 31 май куни «Таълим ҳамма учун Дакар Декларацияси»нинг моҳиятини Ўзбекистонда татбиқ этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда «Таълим ҳамма учун» мавзусида халқаро форум ташкил этилди. Форумда халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг эксперти жаноб Котибхон иштирок этиб форум қатнашчиларига «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режасини ишлаб чиқиш мавзусида семинар ташкил этди.

Натижада 2003 йил «Таълим ҳамма учун» дастурининг Миллий режаси ишлаб чиқилди. «Таълим ҳамма учун» дастурининг Миллий режаси 2000 йилги Дакар шартномалари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, сиёсатчилар, таълим тизими, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, педагоглар, жамоат арбоблари, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш муаммолари билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжалланган. «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат режасини рўёбга чиқариш бўйича яқин даврлар (2001-2015- йиллар)га мўлжалланган тадбирлар белгиланиб, у Таълим ҳамма учун миллий ҳаракати ҳамда умумий ўрта таълим мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш сиёсати» деб ном олган VI бандининг IX йўналиши Махсус таълимга йўналтирилган бўлиб, унда махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этишда қонунчилик ва меъёрий базани такомиллаштираш, мактабгача ва бошланғич таълим-тарбия, махсус таълим мазмунини, инклюзив таълим жараёнининг ўқув-услубий томонини такомиллаштираш, педагог кадрларни қайта



тайёрлаш ва малакасини ошириш, инклюзив таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инклюзив таълимни жорий этишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва бошқа масалалар қайд этилган.

Бу ишларни янада ривожлантириш мақсадида 2003 йилда Инклюзив таълим бўйича ўтказилган республика семинарида хорижий давлатлар экспертлари, мутахассислар, олимлар, Халқ таълими вазирлиги, жойлардиги вилоят Халқ таълими бошқармалари ва бўлимларининг таълимга масъул вакиллари, Ташхис маркази раҳбарлари, умумий ва махсус таълим педагог раҳбарлари, жамоат ташкилотлар вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Семинарга ЮНЕСКОнинг эксперти Вакайто Университети профессори Девид Митчел (Янги Зеландия) кординаторлик қилган. Девид Митчел «Инклюзив таълимни ташкил этишнинг асл моҳияти, умумтаълим тизимида алоҳида синфлар ёки гуруҳлар ташкил этиш билан чегараланиб қолмай, балки уларни меъёрида ривожланган болалар каби таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдир» — деб таъкидладилар. Шунингдек, инклюзив таълимни амалиётга жорий этишда халқаро иш тажрибалари билан фикр алмашди.

2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруғи билан «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»и тасдиқланди. Ушбу Низомда инклюзив таълим тизимининг мақсад-вазифалари белгилаб берилган. Унда қайд қилинишича, имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар қуйидаги тартибда инклюзив таълимга қамраб олинади:

- руҳий ривожланиши сустлашган болалар;
- ҳаракат мувозанати бузилган;
- ўз-ўзига хизмат қила оладиган дебиллик даражасидаги олигофрен болалар ва ўсмирлар;
- нутқида нуқсони бўлган (мулоқоти чекланмайдиган даражадаги) болалар;
- заиф кўрувчи болалар ва ўсмирлар;
- заиф эшитувчи ва кеч (5 ёшдан кейин)кар бўлган болалар;
- кўзи ожиз (Брайл ёзуви ва уқишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар;
- кар (мулоқот даражасида нутқи бўлган, уқиш ва ёзишна эгаллаган) болалар ва ўсмирлар.

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»нинг 4-бандида инклюзив таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг қуйидаги масаллари қайд этилган:

4.1. Инклюзив таълим ташкил этилган барча умумтаълим мактабларида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона муносабат руҳи шаклланади.

4.2. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида Давтлат таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам инobatга олинади, махсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус жиҳозланган коррекция хонаси, махсус инфраструктура).

4.3. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гуруҳ ва биринчи синфларда 35 дақиқа, бошқа синфларда 45 дақиқадан дарслар олиб борилади;

4.4. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

4.5. Таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда махсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади.

4.6. Коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади.

4.7. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота-оналарнинг аризаси ҳамда «Тиббий-психолого-педагогик комиссия»лар хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муасасалари раҳбарларининг буйруги билан тасдиқланади.

4.8. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабидаги синфларда интеграция қилинган ўқувчилар сони 4 нафардан

оширилмайди ҳамда ўқувчилар умумий сони 25 нафаргача белгиланади.

Шунингдек, мазкур Низомда инклюзив таълим иштирокчилари, инклюзив таълим мутахассисларининг ота-оналар ёки бошқа қонуний вакиллар билан ҳамкорлиги, халқаро ҳамкорликда қатнашиш хусусиятлари батафсил баён этилган.

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим муваққат Низом» асосида Республикамизда инклюзив таълим тизимининг қуйидаги ҳуқуқий-ижтимоий асослари яратилди:

— болани ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ёши, жинси ирқи, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Конституциясининг моддасига асосан барча болаларни умумтаълим жараёнига киритиш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш лозимлиги белгиланган;

— ҳар бир бола ўзининг қизиқиши қобилияти, ва эҳтиёжига кўра мос равишда билим олиш ҳуқуқига эга;

— таълим дастурини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ўзига ҳослик ва эҳтиёжларнинг турли-туманлигини назарда тутиш;

— ҳар бир бола тенгдошлари қатори билим олиш ҳуқуқига эга бўлиши;


— болани таълимга эмас, балки таълимни боланинг эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

— боланинг муҳтожлиги ва имкониятини эътиборга олган ҳолда таълим методологиясини, ўқув режаларнинг ихчам бўлишини қўллаб-қувватлаш ҳамда баҳолаш;

— инклюзив таълим муаммони болада эмас, тизимда эканлигини аниқлайди, болага қулай шарт-шароит яратишни таъминлайди;

— боланинг шахсий эҳтиёжига қараб коррекцион-педагогик ва ижтимоий ёрдамни ташкил қилади ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган инклюзив таълимни ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда бу таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 2005 йилнинг 14-15 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида «Таълим ҳамма учун» Миллий дастурини жорий қилиш





босқичлари» мавзусида йирик халқаро Конференция ўтказилди. Ушбу конференцияда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналарининг вакиллири ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. ЮНИСЕФ ташкилоти вакили Реза Хоссейн, ЮНЕСКО ташкилоти вакили Вагі Лаун, «Мерси Проект» , «Оперейшн Мерси», Коста Рика давлатлари халқаро вакиллари шулар жумласидандир.

Масалан, ЮНЕСКО ваколатхонасининг раҳбари Вагі Лаун ўз чиқишида Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишдаги ишларини олқишлаб, республикада келажакда «Инклюзив таълим»ни амалиётга татбиқ этиш концепциясини амалга оширишда доимо ҳамкорлик қилишини таъкидлаб ўтди.

Инклюзив таълим-бу инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи таълим йўналиши эканлигини, ҳар бир шахс ҳаёти давомида инсон учун берилган омиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги хусусида ўз қарашларини билдирди.

«Таълим ҳамма учун» Миллий дастурини жорий қилиш босқичлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

— «Таълим ҳамма учун» умуммиллий дастурининг моҳиятини тарғибот қилиш;

— Республикада имконияти чекланган болалар инклюзив таълимини ташкил этиш бўйича меъёрий методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

— имконияти чекланган болаларни эрта ташхис қилишнинг замонавий услубларини муҳокама қилиш;

— психолого-тиббий-педагогик комиссия, Ташхис марказлари, психологик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш;

— Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги ташкилотларининг имконияти чекланган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, даволаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини жонлантириш;

— имконияти чекланган болаларга таълим бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

— инклюзив таълим жараёнида учрайдиган тусиқларни бартараф этиш йўллари билан таништириш .

Конференцида нафақат Республикаимизнинг соҳа вакиллари, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Россия давлатлар ҳамдўстлик вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз давлатларида инклюзив таълим тизими моделлари, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан конференция иштирокчиларини таништиришга муваффақ бўлдилар. Жумладан, Қозоғистон Республикаси коррекцион-реабилитация илмий-амалий марказ директори



Р.Сулейменова ва п.ф.н. А. Айдарбекованинг (Қозоғистон) маърузасида ўта долзарб муаммолар устида тўхталиб ўтилди. Улар:

— Қозоғистон Республикасида инклюзив таълимни ташкил этишнинг асосий сабабалари,

— инклюзив таълим муассасаларида таълим-тарбия берилаётган болалар;

— ресурс педагогнинг вазифалари ва бошқалар.

Россия Давлат Таълим вазирлигининг махсус таълим бошқармаси бошлиги Т. В. Волосовец алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим мактабларининг махсус синфларига жалб этиш борасида бир қатор ибратли ишлар ташкил этилганлиги хусусида фикр билдирди. Россияда 2002 йил кўрсаткичи бўйича 259 та олий ўқув юртлирида 5400 та имконияти чекланган шахслар таълим олиб, у ҳар 10 ногирон боладан 1 таси олий таълим олаётганлигини кўрсатиб, 4 та олий ўқув юртлирида махсус таълим муассасалари учун мутахассислар режалаштирилганлигини айтиб ўтидилар. Бу кўрсаткич давлат томонидан имконияти чекланган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини билдириши ҳам таъкидлаб ўтилди. Юқорида айтиб ўтилган далиллар 2000-2005 йилларга мўлжалланган аниқ дастур асосида олиб борилганлиги, 2010 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилганлиги асосидир.

Коста Рика давлатидан «Испан тилига ўргатиш маркази» раҳбари Моника Арая ўз маърузасида Коста Рика давлатида 1999 йилдан

буён таълим 11 йилга мўлжалланган бўлиб, у бепул ташкил этилганлини айтиб ўтди. Шу каби маърузалар мазкур конференция аҳамитининг янада ошишига сабаб бўлди.

«Таълим ҳамма учун» миллий ҳаракат режа дастурини амалга ошириш бўйича эришилган ютуқлар ва аниқланган муаммолар конференция кун тартибида қуйидаги мавзулар бўйича гуруҳларда иштирокчилар томонидан муҳокама этилди:

— «Нуқсонларни илк ташхис қилиш ва коррекцион педагогик ёрдам кўрсатиш — алоҳида ёрдамга муҳтож болалар интеграциясининг муҳим омили сифатида».

— «Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга муҳтож болалар интеграциясининг миллий модели»

— «Имконияти чекланган болалар оилаларининг ижтимоий реабилитацияси» ва шу каби.

Бугунги кунга қадар Республикамизда ўтказилган семинар тренингларда 500дан ортиқ иштирокчилар инклюзив таълим тизимининг мазмун моҳияти, уни жорий қилиш босқичлари хусусида мукамал маълумотларга эга бўлдилар.

Имконияти чекланган болаларнинг инклюзив таълим тизимида таълим олишини янада такомиллаштириш, амалиётда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал қилиш масалалари юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

— коррекцион таълим тизими ва мазмунини сифат жиҳатдан янгилаш;

— республиканинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тўлиқ интеграциясига амал қилиш;

— давлат норматив ҳужжатларига инклюзив таълимни жорий этиш бўйича қўшимчалар киритиш ёки тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— бинони уларга мос равишда реконструкция қилиш;

— умумтаълим тизимида таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар учун зарурий моддий-техник баъзани яратиш;

— инклюзив таълимни ташаббускорлик, меҳр-мурувват тарзида ташкил этиш;

— мактабнинг иш фаолиятига инклюзив таълимни амалга ошириш борасида ўзгаришлар киритиш;

— умумтаълим муассаса педагогларини инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш;

— барча педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида коррекцион педагогик курсларнинг киритилиши;

— коррекцион Давлат таълим талаблари ва дастурларни имконияти чекланган боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштириш ва ишлаб чиқиш;

— умумтаълим, махсус мактаб педагоглари, ота-оналар учун ўқув-методик ва илмий оммабоп, ихчам турдаги ўқув-адабиётлар ва индивидуал дастурлар яратиш;

— ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш ва коррекцион педагогик ёрдам бериш;

— имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимида умумий ва коррекцион таълим олишининг илмий асослари, стандарт талаблар, ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва таъминлаш;

— касб-ҳунарга ўргатиш, реабилитация қилиш ва бу ишда оиланинг бевосита иштирокини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалаларни келажакда кенг қамровли бажариш учун давлат тасарруфида мувофиқлаштирувчи илмий-педагогик ресурс марказ илмий лабораториялар ташкил қилиш каби ташкилий, илмий-услубий, амалий ишларни бажариш инклюзив таълимни жорий қилишнинг муваффақиятини таъминлайди.

2007 йилнинг 5-9 феврал кунлари А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ да умумтаълим мактаблари ва махсус мактаб-интернатларнинг директор ва педагоглари учун инклюзив таълим бўйича «Таълимда тенглик» мавзусидаги кўчма семинар-тренинг бўлиб ўтди.



Семинар-тренингда:

— Ўзбекистон Республикаси қонун ва қарорлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар бир боланинг оилада яшаши, яқин қариндош-уруғлари эътиборида бўлишлари, уларга давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар;

— 1986 йилда қабул қилинган Саламанка Декларациясида болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларининг серқиррали ёритилиши;

— «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг келгусида тўлиқ бажарилиши;

— Алоҳида ёрдамга муҳтож, етим ва қаровсиз қолган болалар ҳақидаги мавжуд иш тажрибалар ҳамда хорижий иш-тажрибалар;

— Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимояловчи давлат ва нодавлат ташкилотлар ишларининг мувофиқлаштириб борилиши;

— Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг татбиқ этилиши;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси доирасида имконияти чекланган, етим ва қаровчисиз қолган болаларга ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам тадбирлар режасининг амалга оширилиши;

— «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастурининг мазмун моҳияти ва махсус таълимга бўлган эътибор каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Бундан ташқари 9-11 март кунлари Самарқанд шаҳрида «Алоҳида эҳтиёжли болалар таълимида янгича ёндашув-инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари» мавзусидаги семинар-тенинг махсус мактаб-интернатлар, санатория типидagi, кам таъминланган оила фарзандлари учун мўлжалланган мактаб-интернатлар ва «Меҳрибонлик» уйлари раҳбар ходимлари педагоглари инклюзив таълимнинг моҳияти, мазмуни, ҳуқуқий асослари, бу таълим тизимининг жорий этилишидан кўзланган мақсад ва инклюзив таълим тизимининг амалий натижалари билан таништириш мақсадида бўлиб ўтди.

Ушбу семинар-тренингда қуйидаги масалалар ҳал этилди:

1) Инклюзив таълимнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари хусусида маълумотлар берилди;

2) Махсус таълим мазмунида янгича йўналишлар, таълим мазмунини такомиллаштириш йўллари маърузалар асосида баён этилди;

3) Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари хусусида мукамал маълумотлар берилди;

4) Инклюзив таълимнинг амалий натижалари намойиши иштирокчилар томонидан муҳокама этилди;





5) Инклюзив таълим тизимида инновацион технологияларни жорий қилиш услублари масаласида маълумотлар баён этилди;

б) Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш учун амалий кўрсатмалар ва тавсиялар берилди.

Семинар-тренинг якунида иштирокчилардан сўровномалар олинди, таҳлил қилинди.

Ҳозирга кунда «Инклюзив таълим» Ресурс маркази халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда лойиҳалар асосида инклюзив таълимни Ўзбекистонда жорий этиш мақсадида ташкилий, услубий ва амалий ишларни амалга ошириб келмоқда.

## **VI. Инклюзив таълимни амалиётга жорий қилишда ташкилий ва услубий ишлар**

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш уларнинг ўзига хос хусусиятлари, нуқсон тури, даражаси ва синфдаги болалар сонини эътиборга олган ҳолда ташкил қилинади. Аввало шунини таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ёшлари бир хил бўлсада, лекин улар бир бирларига ўхшамайдилар. Барча болаларнинг индивидуал психологик, шахс хусусиятлари, қабул қилиш даражаси, зеҳн ва идроки турличадир. Шу боис махсус эҳтиёжга эга бўлган бола таълим олаётган инклюзив синфлардаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш масаласи янада мураккаброқ муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Инклюзив синфда ўқитувчи болаларнинг имкониятини эътиборга олиб, дарсларни шунга мувофиқ режалаштира олса,

болаларнинг ногиронлиги билим олишига қандай таъсир қилишини билиб, бу қийинчиликларни бартараф этишнинг услубий йўлларидан фойдаланса, мактаб ва оила ҳамкорлигини тўла йўлга қўя олса ҳамда ногирон боланинг келажагига ишонч билан қарасагина дарс жараёни муваффақиятли кечишига эришиш мумкин. Ҳар бир бола ўз имконият даражасида ривожланади, буни атоқли психолог олим Л. С. Виготскийнинг илмий қарашларига кўра «ҳар қандай руҳий ёки жисмоний нуқсонда ҳам тараққиёт давом этади», деган фикри билан ҳам тасдиқлаш мумкин.

Инклюзив таълимга янгича фикрларнинг талқин этилиши миллий, ташкилий ва услубий ислоҳотларни талаб этади. Махсус таълимга муҳтож болалар ҳозирги мактаб тизимида эҳтиёжлари қондирилмаётган болалардир. Шу сабабдан мактаблар барча болаларнинг турли хилдаги ва умумий мақсадлари, интилишлари, қизиқишларига жавоб бериши ва уларнинг билим олишларини таъминлаши лозим.

Инклюзив таълимни ривожлантириш учун умумий таълим тизимига таркибий ўзгартиришлар киритиш муҳимдир. «Умумтаълим» ва «махсус таълим» ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланиши керак. Махсус таълим оддий таълимнинг бир қисми бўлишига қарамасдан, ўзининг ўқувчилари, ўқитувчилари, бошқарув жамоаси ва таъминот тизимидан ташкил топган иккита таълим тизими амалда қўлланилиб келинмоқда. Барча ўқувчиларнинг талабларига жавоб берувчи «Инклюзив мактаб» да бундай тизимга эҳтиёж қолмайди.

Ислоҳотлар таълим мақсадларининг амалиётини бошқариш мумкин, лекин уларнинг педагогик амалиётини тўғридан-тўғри бошқара олмайди. Шу сабабдан жараённинг самарали бўлиши учун ислоҳотлар яхши муҳокама қилиниши ва таълим тизими бошқарувчилар ҳамда уни амалда қўлловчилар томонидан кўриб чиқилиши керак.

Инклюзив таълим қуйидаги шарт-шароитларда ташкил этилиши мумкин: оммавий мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта таълим мактаб синфлари (гуғуҳлари)да умумий ва алоҳида ёрдам олиш, логопед хоналарида коррекцион педагогик ёрдам олиш, коррекцион синф (гуруҳ)ларда махсус таълим олиш шаклида.

Инклюзив таълим тизимига махсус ёрдамга муҳтож болаларни вилоят (шаҳар, туман) халқ таълими бўлимлари томонидан тиббий-психолого-педагогик комиссия фаолиятида «Республика, вилоят, туман тиббий- психолого-педагогик комиссиялар тўғрисида»ги Низом асосида қабул қилинади.

Инклюзив таълим муассасасида алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар таълими белгиланган тартибда ўқув режалар, коррекцион дастурлар

асосида махсус методлар ва воситаларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Инклюзив таълим жорий қилинган мактабларда (муссасаларда) таълим жараёнида умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда қуйидаги махсус тамойилларга ҳам амал қилиниши керак:

- таълимнинг коррекцион йўналтирилганлиги;
- нуқсонини аниқлаш, таълим беришда комплекс (клиник-генетик, нейрофизиологик, психолого-педагогик) ёндашиш;
- нуқсонли функцияни эрта аниқлаб, тиббий-психологик жиҳатдан коррекциялаш;
- умумий ўрта маълумот бериш ва касбга йўналтириш воситасида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва мослаштириш;
- дифференциал ва алоҳида ёндашиш;
- таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш кабилар.

Умумтаълим тизимида инклюзив таълимни жорий қилишда муассаса ходимларининг иш вазифаларида ҳам кўзга кўринарли даражада ислоҳотлар амалга оширилиши керак.

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизимида ўқитиш ўқитувчилардан икки карра масъулият билан ишлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам олий педагогик маълумотли ва малақа ошириш курсларини ўтаб инклюзив таълим педагогик квалификациясини олган ўқитувчиларгина инклюзив синф ўқитувчиси этиб тайинланиши мумкин. Инклюзив синф ўқитувчиси умумий ўрта таълим муссаса Уставида белгиланган вазифалар билан бир қаторда

- тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини коррекциялаш ва меъёрга келтириш ишларини олиб боради;
- болаларнинг фаоллигини, таълим самарадорлигини оширувчи методларни қўллайди;
- диққат-эътибор, хотирани, кузатувчанлик, синчковлик ва бошқа қобилиятларни тарбиялайди;
- ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини, бола-



ларнинг билишга доир қизиқишларини ва қобилиятини ривожлантиради.

Инклюзив таълим жараёнида муассаса тарбиячиси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Тарбиячи иш фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи-дефектологлар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар ҳамкорлигида соғлом ва алоҳида эҳтиёжли болалар билан олиб бориладиган машғулотларни режалаштириши ҳамда шу асосида олиб бориши керак. Шунингдек, тарбиячи алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш масаласида ота-оналарга ва қонуний вакилларга методик ёрдам кўрсатади, керакли иш ҳужжатларини юритади.

Инклюзив таълим жорий қилинган муассасада албатта психолог фаолият юритиши лозим. Психологнинг фаолияти ҳар бир боланинг руҳий саломатлигини ҳимоялаш, руҳий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этиш ва коррекциялашга қаратилади. Муассаса психологи ҳар бир болани психологик жиҳатдан текширади, доимий равишда психолого-педагогик жиҳатдан ўрганиб боради, индивидуал ривожлантириш дастурларини тузади, алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш буйича ота-оналарга маслаҳатлар беради, инклюзив таълим муассасасининг педагогик ходимларига психологик ривожлантириш масалаларида методик ёрдам кўрсатади.

Инклюзив таълим муассасасида таълим-тарбия олаётган махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг айримлари доимий равишда тиббий хизматга муҳтож бўлиши мумкин. Инклюзив таълим муассасаси шифокор-педиатри (психоневролог) ҳар бир боланинг руҳий асаб ҳолатини доимий равишда текшириб боради, зарурат бўлганда даволаш муолажаларини тавсия этади, коррекцион педагогик таълим жараёнида болалар соғлигини назорат қилади, ақлий ва жисмоний юкламанинг меъёрини белгилайди, ота-оналарга боланинг соматик ҳамда руҳий саломатлигини сақлаш юзасидан маслаҳатлар беради.

Шундай қилиб, инклюзив таълим муассасасида таълим-тарбия жараёни ҳар томонлама амалга оширилган ислоҳотлар асосидагина самарали кечеди.

## **VII. Инклюзив таълимда мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс педагог ва унинг вазифалари**

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш мактаблараро қатнаб юрувчи ўқитувчи, яъни ресурс ўқитувчи фаолиятини талаб этади. Инклюзив таълим амалиётда мактаблараро қатнаб юрувчи ўқитувчи ва оддий синф ўқитувчисининг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари орқали амалга оширилиши мумкин.



Баъзи синфларда болани маълум бир вақтга синфдан ажратиб олиш керак бўлиши мумкин. Ҳамма вақт нима бўлсада ресурс ўқитувчи синф ўқитувчиси билан биргаликда фаолият кўрсатиши ва бу махсус таълим соҳасида мутахассисликка эга бўлиши талаб қилинади.

Мактаблараро қатнаб юривчи ресурс ўқитувчининг муҳим вазифаларига ногирон болалар учун керак бўлган қўлланмалар, жиҳозлар билан таъминлаш, ҳомийлар топиш, ота-оналарни мактабга ёрдам беришга жалб қилиш ва имконияти чекланган болалар, соғлом болалар ҳамда синф ўқитувчиси ўртасидаги мустақкам алоқани ўрнатиш, махсус ресурс қўлланмалар билан таъминлаш орқали ёрдам бериш, ота-оналар, болалар оддий синф ўқитувчилари ва мактаб маъмуриятига маслаҳатлар бериш, шунингдек, махсус таълимга муҳтож болалар учун фаолиятлар ва уларга мос келувчи таълим дастурлари ҳақида муҳокамалар юритиш, ҳаттоки ногирон бўлмаган болаларнинг ота-оналарига ҳам маълумотлар етказиб туриш киради.

Ресурс ўқитувчининг асосий мақсади: умумтаълим муассасаларида таълим олаётган махсус таълимга муҳтож ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ресурс ўқитувчи қуйидаги вазифаларни амалга оширади.:

— ҳар бир ўқувчини қайси даражадаги ёрдамга муҳтожлигини аниқлаш ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда улар билан учрашиш.



— ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, индивидуал режалардан келиб чиққан ҳолда уларни кузатиш, ўқув дастурига мослашишига ёрдам бериш, ўқитиш ва баҳолаш.

— синф ўқитувчиларига ўқувчиларнинг махсус эҳтиёжлари ва қобилиятларига оид маълумотларни бериш.

— синф ўқитувчиларини индивидуал ўқув режалари билан таништириш ва улар буйича маслаҳатлар бериш.

— мунтазам равишда ўқувчиларнинг эришаётган муваффақиятларини муҳокама қилиш ва баҳолаш.

— мактаб жамоасининг бошқарув ходимлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш;

— зарурат тугилса, ўқувчиларни бошқа ёрдам курсатувчи уюшмаларга таклиф этиш (масалан, семинарларга, шифокорларга).

— ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан индивидуал равишда олиб бориладиган фаолиятларни қайд этиб бориш.

— стандарт ўқув режа талабларига жавоб бермайдиган вазиятларда ҳар бир ўқувчига индивидуал ўқув режа тузишга кўмаклашиш;

— ўзгарувчан эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда индивидуал ўқув режаларни янгилаш ва баҳолаш.

— мавжуд барча ресурслар (ўқув адабиётлар, ўқитиш қурилмалари ва бошқа асбобларни ҳужжатлаштириш ва улар рўйхатини тузиш.

Мактаблараро қатнаб юривчи ресурс ўқитувчи ўз вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иш режасини тузишда қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:



— мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчиларнинг махсус таълим олишга бўлган талабларига жавоб берадиган ёрдамларни кўрсатиш;

— синф ўқитувчиси билан биргаликда индивидуал дастурларни яратиш ва уни баҳолаш;

— ўқитувчилар муҳтож бўлган хизматларни амалга ошириш;

— Боланинг ўқитувчиси ёки мактаби алмашганда у ҳақидаги маълумотларни етказиб беришни бошқариш;

— янги келган ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини англаш ва қондириш;

— махсус таълимга муҳтож бўлган оддий синфларга ўқитувчиларнинг мослашишига ёрдам бериш;

— агар керак бўлса синфдан ташқарида индивидуал ва гуруҳларга асосланган кўрсатмаларни бериш;

— индивидуал дастурларнинг муваққиятли бўлишини бошқариш;

— махсус таълимга муҳтож болаларни мактабнинг жисмоний муҳитига жалб этишда уларнинг шу муҳитга мослашишига ёрдам берувчи мактаб бошқаруви;

— махсус ёрдамчи воситалар ва қўлланмаларга бўлган талабни ўрганиш ва улардан фойдаланишни бошқариш;

— инклюзив таълимни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчи фаолият юритмаслиги, кўп вақтини йўлда самарасиз сарфламаслиги жуда муҳимдир.

Ресурс ўқитувчи ногирон болаларнинг дарсларидаги қийинчиликларни ва эҳтиёжларини муҳокама қилади. Вақти-вақти билан у жойларда олиб борилаётган ўқитувчилар тренингида ногиронлик муаммоси бўйича маслаҳат ва кўрсатмалар бериб боради. Масалан, ногирон боланинг нуқсон хусусиятларини, даражаларини аниқлаш, индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича методик тавсиялар бериш каби.

### **VIII. Республикада имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб қилишдаги дастлабки тажрибалар**

Республика таълим маркази ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликдаги лойиҳа режасига биноан Инклюзив таълим ресурс маркази ва интеграцион таълим тизими жорий қилинган муассасаларга услубий ва методик жиҳатдан ёрдам беради, бу таълим тизимини такомиллаштириш учун хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Имконияти чекланган болаларни инклюзив



таълимга жалб қилиш бўйича Республикаимизнинг айрим вилоятларида, жумладан, Фаргона, Андижон, Хоразм, Тошкент вилоятида тажриба-синов ишлари бошланган бўлиб, бу ишларни амалга оширишда нодавлат жамоалар, хорижий ташкилотлар ташаббус кўрсатмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Халқ таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларида инклюзив-коррекцион таълимнинг таянч пунктлари ташкил этилди. Улар алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълими билан шуғулланувчи, «Инклюзив таълим» дастурини амалга оширувчи ягона пунктлар ҳисобланади.

Фаргона вилояти Қўқон шаҳри махсус эҳтиёжга эга бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Зиё» маркази умумтаълим мактабларига имконияти чекланган болаларни жалб этиш ЮНЕСКО лойиҳаси асосида 2004 йил ўз фаолиятини бошлади. Тажриба-синов майдонлари учун Фаргона вилояти Қўқон ва Маргилон шаҳридаги 4, 5-сонли ақли заиф болалар, 9-сонли заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатларида, 64-сонли фалаж болалар боғча мажмуаси, 39-сонли нутқида нуқсони бўлган болалар боғчаси, 1,9-сонли умумтаълим мактаблари, Андижон вилояти 5, 31 - сонли умумтаълим мактаблари танланди.

Инклюзив таълим борасида тажриба-синов ишлари 2004 йил июнь ойидан бошланган. Даставвал маълумотлар банки йигилди. Бу ишга ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла қўмитаси аъзолари жалб этилди.



Андижон вилояти 31-сонли умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Л. Ҳабибуллаев (заиф эшитувчи) 2001-2002 ўқув йилларида ресурс педагог М. Валиева томонидан умумтаълим мактабининг инклюзив синфларида ўқитила бошлаган. Л. Ҳабибуллаев онаси вафот этганлиги сабабли бобоси ва буvisи қарамоғида қолган. Даставвал унга Хўжабод туманидаги кар-соқовлар мактаб-интернатида йўлланма берилган, масофа узоқлиги сабабли 31-сонли умумтаълим мактабига жалб этилган. Ресурс педагог Мамлакатхон Валиеванинг айтишича, Ҳабибуллаев Лутфиллага нормал болалар билан ўқиш илк босқичда қийин бўлган. Дифференциал ва индивидуал ёндашиш ёрдамида аста-секин қийинчиликлар ортда қолиб, билим, кўникма ва малакалари ҳосил бўла бошлади. Тенгдошлари томонидан камситилмай, балки уларнинг меҳр-мурувватига сазовор бўлди.

Шаҳар халқ таълими бўлими Психолого-тиббий-педагогик комиссияси раиси М. Сатторованинг айтишича, «Болаларни махсус мактабга жойлаштириш тортишувларга сабаб бўлган, айниқса ота-оналар махсус мактабларга болаларни беришга қаршилик кўрсатар эдилар. Бизни хурсанд қилган нарса махсус таълимнинг ноъбанавий шакллари ва таълим турларининг кенгайганлигидир. Махсус таълим умумтаълим мактаблари билан қўшилиб кетмоқда. Имконияти чекланган болаларни «Сен ҳеч кимдан кам эмассан, тенгдошларинг билан ўқишга тенг ҳуқуқлисан» — деб ўқтирмоқдамиз.



Еркиной Собировна Орипова раҳбарлик қилаётган Андижон шаҳар 5-сонли умумтаълим мактабида 78 та синф бўлиб, 2619 нафар ўқитувчи таҳсил олади. Шулардан бошланғич синфда 5 та ўқувчи инклюзив таълим олади.

Мукаррам Аҳмадуллаева ресурс педагогик фаолиятини юритаётган 1-Д-синфда Музаффар Оллобердиев (Олигофрениянинг дебил даражаси), Омонулло Исхоков (майда қўл мускуллари фалажланган) ва Шоҳсанам Рўзиева (РРС) инклюзив таълим олмақда.

Марғилон шаҳар 9-сонли умумтаълим мактабида таҳсил олаётган А. Ҳақимовнинг таълим-тарбия олиш жараёнини кузатдик. А. Ҳақимовнинг ҳаракат таянч аъзолари фалажланган бўлиб, ногиронлар аравачасида ўтиради. Инклюзив таълимга 4-синфдан бошлаб жалб этилган. Даставвал ўқиш жараёни бола учун жуда қийин кечди, соғлом тенгдошларидан ногиронлиги туфайли ажралиб қолди. Аммо сўнгги кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, А. Ҳақимовни ўртоқлари дўстона муносабатда танаффус пайтида аравачада етаклаб юришар, дарс пайтида эса синф тахтаси ёнига етаклиб олиб чиқишар экан. Бу кузатишдан шу нарса аён бўладики, махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълимга жалб этиш уларнинг барча қатори тенг ҳуқуқли ижтимоий жамият аъзоси бўлишини таъминлайди.

Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш лойиҳаси Хоразм вилоятида ҳам фаол тарзда олиб борилмоқда. Бу ишда Хоразм вилоятининг бир қатор ҳудудларида халқаро ЮНИСЕФ, «Оперейшен Мерси» нодавлат ташкилотлари ва РТМ махсус таълим бўлими билан ҳамкорликда тузилган режасига асосан амалга ошириб келинмоқда. Инклюзив таълимнинг лойиҳаси 1999 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичида «Оперейшен Мерси» ташкилоти Хива тумани Халқ таълими бўлими ва Республика таълим маркази билан ҳамкорлик режасига биноан Хива туманида жисмонан фалаж болалар учун 4та интеграция синфлари ташкил этилди. Мактаб биноларини таъмирлаш ва қўшимча ходимларни иш ҳақи билан, болаларни мактабга мунтазам қатнашлари учун транспорт билан таъминлашни «Оперейшен Мерси» ташкилоти амалга оширди. «Оперейшен Мерси» инклюзив таълимни бутун Ўзбекистонга тарғиб қилишни мақсад қилиб қўйган ва ушбу лойиҳа доирасидаги барча янгиликларни Республика таълим маркази Махсус таълим бўлими билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Лойиҳанинг тўрт нафар аъзоси 2005 йил декабрь ойида «Инклюзив таълим» бўйича Республика коференциясида иштирок этиб, лойиҳани кенг оммага таништиришди.

2005 йилнинг май ойида 6-сонли мактабда ёзги интеграция ором-гоҳи, биринчи синфлар учун янги интеграция-инклюзив синфи таш-



кил этилди. Космобод қишлоғи 6-сонли мактабда ташкил этилган инклюзив таълим мактабининг 4, 5, 6- синфлари-интеграция синфлари этиб белгиланди. Икки ҳафталик семинар давомида 6-сонли мактабда таълим олаётган жисмонан ногирон 12 нафар болалар ҳамда Хива тумани 121-сонли махсус кўзи ожизлар мактабида таълим олаётган 10 нафар кўзи ожиз ва заиф қўрувчи болалар 6-сонли мактабнинг 4 ва 5- синфларида таълим олаётган соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олмоқдалар. Мактабда турли хилдаги дўстона муносабат муҳитини яратиш мақсадида амалий семинарлар уюштирилмоқда. Амалий семинарлар нафақат болаларнинг, балки мактаб ходимларининг ҳам ногиронларга муносабатларини ижобий томонга ўзгартирмоқда.



Лойиҳа режасига биноан ҳар бир синфда махсус ёрдамга муҳтож болага кўмак берувчи махсус курслардан ўтган ресурс ўқитувчи ва инструкторлар бириктирилган.



Йил давомида «Оперейшен Мерси» халқаро ташкилоти 6, 7 ва 9-сонли мактабларнинг 3 та интеграция синфлари билан ишлашни давом эттирди.

Республика таълим маркази, халқаро «Оперейшен Мерси» ташкилоти билан ҳамкорликда, шунингдек ЮНЕСКОнинг Хоразм вилоятидаги «Инклюзив таълим» таянч муассасаларида 5 та интеграция синфлари ва 10 та таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун яқка тартибда «Инклюзив таълим» ташкил этилди.

Бугунги кунда 10 та умумтаълим мактабларида 50 нафар бола инклюзив синфларда таълим олмоқда. Уларга ресурс педагог бириктирилган. Хива шаҳрида педагоглар, ота-оналар, медицина ходимлари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этилди.

Олиб борилган ишлар натижасида имконияти чекланган болалар таълимига жамоатчилик ташкилотларининг муносабати ўзгарди, ота-оналарнинг болаларга эътибори ортди, таълим олишлари учун қизиқа бошладилар. Энг аҳамиятлиси боланинг тенқурлари каби таълим олишига эришилди.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Имкон» марказида 80 дан ортиқ, ривожланишида турли нуқсонли бўлган болалар инклюзив таълимга жалб этилган.

Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг «Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш» лойиҳаси асосида А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ махсус таълим кафедраси мудири У. Файзиева бошчилигида РТМ Махсус таълими бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятларида ва Қорақалпоғитон Республикасида бўлиб, имконияти чекланган, таълимдан четда қолган ногирон болаларни аниқлаш ва уларни таълимга жалб қилиш мақсадида оилаларга, Ташхис марказларига, ХТБлар бўлиб, болаларни таълим тизимига киритиш масалалари ва улар учун шарт-шароитлар яратишга оид муаммолар устида тўхталиб ўтиб, умумтаълим педагоглари ва ота оналар учун тренинг-семинарлар ўтказдилар. (2005-2006 йиллар)

— Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш» лойиҳаси асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

— 300 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўқитилди;

— 80дан ортиқ ота-оналар инклюзив таълимнинг асослари ва ногиронлик сабаблари хусусида маълумот ва билимга эга бўлдилар;

— 3 та методик тавсия ишлаб чиқилиб улардан бири «Инклюзив таълим асосида болага дўстона муносабатни шакллантириш» масалалари хусусида;

— Семинарда иштирок этган 330 та ўқитувчи ва жойлардаги «Ташхис» марказлари раҳбарлари ёрдами билан 558 та таълимдан



четда қолган, яъни уйда якка тартибда таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар таълим тизимига киритилди.

Мазкур лойиҳа асосида ҳозирги кунда ҳам ишлар давом эттирилиб, таълимдан чета қолиб кетган болаларни аниқлаб, нуқсон тури ва даражасига қўйилган ташхис хулосасига кўра таълимга жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. Инклюзив таълим муаммоларини ҳал қилиш бўйича жойлардаги Халқ таълими бўлимлари, мутасадди ташкилотлар, жамоа ташкилотлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимига тўлақонли жалб қилиш бир йиллик иш эмас, бу ишни босқичма-босқич амалга оширишнинг концепциясини ишлаб чиқиш унга ва шароитга қараб қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга белгилаш, аниқ чора-тадбирлар кўриш тақазо этилади. Инк-

люзив таълим лойиҳаси бўйича жойлардаги халқ таълими бошқармаларида мутасадди ташкилотлари ташхис марказлари ва таълим муассасалари томонидан олиб борилган ишларнинг мониторингини ўтказиш бўйича биз бир гуруҳ мутахассислар март ой-



ининг биринчи ярмида Қорақолпогистон Республикаси, Хоразм вилоятида бўлиб мавжуд аҳволни ургандик ва ногирон фарзандлари мавжуд бўлган оилаларга ташир буюрдик.

Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин. Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Хон тумани бешинчи жамоа Мадир қишлоғида яшовчи оилада бўлдик. Бу ёш оиланинг бекаси эрта турмушга чиққан бўлиб, тўртта фарзанди бор. Болаларининг туғилиш оралиғи бир йилдан. Оиланинг иккинчи фарзанди бўлмиш тўққиз ёшли Нилуфар исмли қизалоқ икки қўли йўқ туғилган. Қизча 9 ёшга қадар уйда тарбияланиб, мактабга жалб қилинмаган. ЮНИСЕФ лойиҳа асосида мутахассисларнинг ва шу ҳудуднинг ташхис маркази раҳбари И. Искандаров ҳамда 31-сон мактаб раҳбарларининг савий-ҳаракатлари туфайли Нилуфар ҳозирги кунда биринчи синфда ўқимоқда. Мактабга қизиқиб боради. ўқишни яхши ўзлаштирган, тирсагидан ўсиб чиққан иккита бармоқларга ўхшаш аъзо билан чизган аъло даражадаги расмларини кўриб ҳайратда қолдик. Нилуфар биз билан эркин мулоқотда бўлиб, саволларга тўғри жавоб берди, чизган расмларини кўрсатиб, ўзи ёзган қуйидаги шеърини айтиб берди:

*«Она борки, олам мунаввар  
Она борки ҳаёт юксалар,  
Она борки, айланар замин,  
Она борки, шодон болалар.  
Онам борки, дилим қувончда,  
Яшайман орзулар билан...»*



Ушбу ҳолатдан маълумки, ҳар қандай имконияти чекланган болаларнинг нуқсонини илк ёшдан ўз вақтида аниқлаб, мутахассисларга мурожаат қилинса ва мактабга тайёргарлик иши ўз вақтида олиб борилса, абатта кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Юқорида келтирилган Нилуфар исмли қизалоқ мисоли бунинг ёрқин далилидир. Янги таҳрирдаги Давлат таълим талаблари асосида Махсус таълим бўлимининг мутахассислари, олимлар, амалиётчилар иштирокида тайёрланди.

Махсус таълим йуналишидаги илмий мақолалар, амалий машгулотлар,

дарс ишланмалари шубҳасиз, инклюзив таълимнинг ривожланишига манба бўлиб қолади.

Бугунги кунда ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, «Мерси Прожект», «Оперейшен Мерси» халқаро ташкилотларнинг ёрдамида, уларни жойлардаги ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида «Инклюзив таълим» йўналишида кенг жамоатчилик, педагогик жамоа, ота-оналар ўртасида маълум тизимда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

### **IX. Инклюзив синфларда таълим олаётган болаларнинг хусусиятларига қўра дарс жараёнида коррекцион ёндашилган машғулотларнинг тахминий намуналари**

**А). Ақлий ривожланиши орқада қолган болалар мавжуд бўлган инклюзив синфга мослаштирилган тахминий дарс ишланмаси.**

Дарс тури: янги мавзунини баён қилиш дарси.

Мавзу: Бош бўлақлар. (Ақлий ривожланиши орқада қолган бола учун - нарса буюм номини билдирган сўзлар.)

Мақсад: Таълимий мақсад: гапнинг бош бўлақлари — эга ва кесим ҳақида маълумот бериш; ақлий ривожланиши орқада қолган болага нарса буюмларнинг номини билдирган сўзлар, кишиларга ким? кишилардан бошқа нарсаларга нима? деб сўроқ бериш лозимлигини ўргатиш;

Коррекцион мақсад: ақлий ривожланиши орқада қолган болаларнинг нутқини ўстириш, луғат бойлигини ошириш, тафаккурини ва идрокини ривожлантириш.

Дарснинг бориши.

1. Болалар диққатини дарсга жалб этиш; (бунда, албатта, ақли заиф болани ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим);

2. Ўтилган мавзунини такрорлаш;

— болалардан ўтилган мавзунини сўраш (Мавзу: Гап бўлақлари);

— ўқитувчи 3-4та ўқувчини синф доскасига чиқариб мавзуга оид қоидаларни ва уйга берилган машқни ёзишларини топширади.

— қолган болаларга эса дафтарларига бештадан гап ёзиб бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратишни топширади.

— болалар бу вазифаларни бажаргунларича ўқитувчи ақли заиф бола билан ишлайди. Яъни унинг уйга берган вазифани қанчалик даражада бажарганини текширади ва бир қанча предметларнинг расмини бериб, уларнинг номини ёзиб чиқиши лозимлигини айтади; (у вазифани бажаргунга қадар, ўқитувчи бошқа болаларга янги мавзунини тушунтиради).

3. Янги мавзунини тушунтириш;



— болалар диққатини янги мавзуга қаратиш мақсадида синф тахтасига янги мавзунини ёзиб қўйиш, «Бош бўлақлар»;

— янги мавзунини тушунтириш учун ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган кўргазмалар қуролда матн ёзиб келган бўлиши керак. ТАХМИНИЙ МАТН: «Ямин дурадгорлик тўғарагига қатнайди. Тўғарақда болалар ёғочдан турли буюмлар ясашни ўрганадилар. Ямин курсича, хонтахта ясашни билади...»

4. Матн юзасидан саволлар бериш;

— Бу матнда ким ҳақида ҳикоя қилиняпти? - Ямин ҳақида.

— Демак, гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилаётганини билдирган бўлақ эга деб аталади. Матнга эътибор беринг, бу матнда, яъни биринчи гапда Ямин ҳақида нима дейляпти? - Дурадгорлик тўғарагига қатнайди. Демак, гапнинг эгаси ҳақида нима дейилаётганини билдирган бўлақ эса кесим дейилади. Эга ва кесим гапнинг бош бўлақларидир. Эганинг тагига бир чизик, кесимнинг тагига икки чизик чизамиз. (ўқитувчи биринчи гапни таҳлил қилиб бергач, қолган гапларни дафтарда мустақил таҳлил қилишлари лозимлигини билдиради.)

5. Ақли заиф бола билан ишлаш;

— берган вазифани бажарганлик даражасини аниқлаш;

— ақли заиф боланинг чарчаб қолишининг олдини олиш мақсадида унга бирор бир ҳаракатлантирувчи топшириқ бериш; (Столдан расмларин олиб кел, ручкани олиб кел каби).

— расмдаги қизчага қара, унга исм бер;

— Нодира.

— Демак, у ким?

— Мана бу расмдаги расмдаги бола ким?

— Қосим.

— Уларга қандай сўроқ бердик?

— Ким сўроғи.

— Энди сен мендан сўра.

— (Мушукнинг расмини кўрсатиб) Бу нима?

— Мушук.

— У қандай ҳайвон?

— (Хўрознинг расмини кўрсатиб) Бу нима?

— Бу хўроз?

— Биз уларга қанай савол бердик?

— Нима деб.

— Энди мана бу расмларнинг ичидан ким ва нима сўроғига жавоб бўладиган расмларни алоҳида ажрат. (Бу вазифани бажаришда ўқитувчи ёрдам бериб туриши керак. Вазифани бажариб бўлгач, ўқитувчи айиқ расмини кўрсатиб, яна савол беради.)

— Бу нима?



— Айиқ.

— У қаерда яшайди?

— Айиқ ўрмонда яшайди.

— Мана шу гапни доскага ёз.

(ҳамма болаларга қарата.) - Болалар доскадаги гапни ўқинг. Мана шу гапнинг бош булақларини топамиз. (Энди ўқитувчи бутун синф билан ишлайди).

6. Жисмоний дақиқа:

— болалар синф тахтасининг ёнида ким турибди? (Болалар доскага чиқиб гап ёзган боланинг исмини айтишади)

— ҳаммамиз ўрнимиздан туриб уни «ўққа тутамиз». Бунинг учун ҳар биримиз унинг биттадан яхши хислатини баланд овозда айтамыз. Масалан, Ҳабибулло меҳрибон бола.

Ўйин ҳамма болалар биттадан фикр айтиб чиққунларигача давом этади.

7. Ўтилган мавзун мустаҳкамлаш;

Ўқитувчи болаларга биттадан гап ёзилган карточкаларин тарқатади. Ҳар бир бола ўз карточкасидаги гапнинг эга ва кесимини топиб таҳлил қилади. Болалар бу вазифани бажаргунча ўқитувчи ақлий ривожланиши орқада қолган бола билан дарсни мустаҳкамлайди.

8. Уйга вазифа бериш ва дарсни яқунлаш.

**Б) Қўзи ожиз бола мавжуд бўлган инклюзив синфга мослаштирилган тахминий дарс ишланмаси.**

Мазкур дарс ишланмаси кичик мактаб ёшидаги қўришда нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, алоҳида ёндашилган ҳолда ўқитилишни назарда tutади.

**Мавзу:** Майда қўл тоторикасини ривожлантириш.

**Мақсад:** Сезиб ҳис қилиш ва майда қўл моторикасини ривожлантириш. Предмет ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш. Сезишни ривожлантириш.



**Жиҳоз:** «Сехрли қопча» турли буюмлар билан ғудда, тугмалар, маржонлар ва ҳ. к.

Дарсинг бориши.

I. Қўл мушакларини бўшаштирувчи машқлар.

1. «хайр» қўл панжалари билан баравар ёки навбатма-навбат хайр ҳаракатини бажариш.

2. «Бизларга, бизларга» қўл бармоқлари билан баробар икки навбатма-навбат чиқариш ҳаракатини бажариш.

II. Турли буюмларни ажратиш. Қутида ёнғоқ, ғудда, маржон ва тугмалар бор. Уларни аввал ажратиш, сўнг катталиги жиҳатдан кетма-кет қўйиш.

III. «Сехрли қопча» ўйини. Қопчада боланинг кундалик ҳаётида учрайдиган буюмлар солинган. 2 ўйинчи қарама-қарши ўтиради. Уларнинг бирида қопча. У буюмни қўли билан ушлаб, уни

таърифлашни ўйлайди. Сўнгра номини айтади. 2-уйинчи қопчани олади ва таърифга мос буюмни топади кейин биринчи уйинчига беради. У эса тўғри ёки нотўғрилигини айтади.

IV. Дарснинг якуний босқичи. Дарсда нимани ўргандик?

### **X. Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимлари**

Махсус ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида республикамизда кўзга кўринарли ишлар қилинди. халқаро ташкилотлар ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда инклюзив таълим бўйича 8 та семинар, 6 та тренинг-семинарлар ва халқаро конференциялар ташкил этилди.

Бугунги кунда 10 та умумтаълим мактабларида 50 нафар бола инклюзив синфларда таълим олмоқдалар.

Олиб борилаётган ишлар натижасида имконияти чекланган болалар таълимига жамоатчилик ташкилотларининг муносабати ўзгарди, ота-оналарнинг болаларига эътибори ортди, таълим олишлари учун қизиқишлари янада ортди.

Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш, интеграция асосида таълимни ташкил этишнинг ўзига хос муаммолари ва қийинчилаклари бўлсада, у барча минтақаларда ривожланиб бормоқда. Имконияти чекланган болаларга таълим беришнинг ноанъанавий бошқа шакллари ташкил этишга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Амалга оширилган маълум бир даражадаги ютуқлар билан бирга айрим ҳал этилиши керак бўлган қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

— ота-оналар учун ногирон болаларни ўқитиш тизими, инклюзив таълим тизими ҳақидаги ўқув қўлланмаларнинг йўқлиги;

— махсус эҳтиёжли болаларни уйда ўқитиш учун мутахассисларни маблағ билан таъминлаш тизимининг жойларда талаб даражасида яхши йўлга қўйилмаганлиги;

— инклюзив таълимни жорий қилиш бўйича давлат норматив ҳужжатларида қайд этилмаганлиги;

— ногирон болалар оиласи билан мактабнинг узвий алоқаси йўқлиги;

— ногирон болаларнинг мактабга келиши учун транспорт билан таъминлаш масалалари;

— чекка қишлоқларда ташхиснинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

— ногиронлар аравачалари, қўлтиқ ҳассалар, эшитув аппаратлари, кўзойнақлар, травмтологик пойафзалларнинг етишмаслиги;

— давлат томонидан касб-ҳунарга йўлтириш, иш билан таъминлаш муаммолари тулақонли ҳал қилинмаганлиги;

— ногирон болаларга қаровчи ота-оналар учун нафақанинг йўқлиги;

— теварак-атроф муҳитини ногирон болаларга нисбатан салбий муносабати;

— ногирон болалар билан ишлаш маҳаллаларда яхши йўлга қўйилмаганлиги ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг фаолияти етарли эмаслиги;

— ногирон болаларнинг ота-оналарида ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги ва давлат томонидан белгиланган имтиёزلарни билмаслиги;

— таълим муассасалари учун кадрларнинг етарли эмаслиги;

— иншоатларнинг махсус ёрдамга муҳтож болалар учун мослаштирилмаганлиги;

— малака ошириш тизимида умумтаълим педагоглари махсус таълим йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги ва. ҳ. к

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги масалалар ўз ечимини топиши керак. Улар:

1. Ҳуқуқий йўналишда:

— «Таълим тугрисида»ги қонунга Инклюзив таълим ҳақида модда киритиш;

— Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни ижтимоий ва коррекцион педагогик жиҳатдан қўлловчи қонун лойиҳасини тайёрлаш;

— «Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларнинг узлуксиз таълим Низомини тасдиқлаш;

— Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли болалар ва ўсмирларни узлуксиз инклюзив таълим тизимини такомиллаштириш;

— Инклюзив таълимни қўлловчи молиявий манъба механизмини аниқлаш, уни қонуний жиҳатдан ҳимоялаш;

— «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш» ҳақидаги қонуннинг бажарилиши юзасидан таклифлар тайёрлаш.

2. Илмий-методик йўналишда:

— Имконияти чекланган болаларга ягона коррекцион ёрдам тизими Концепциясини ишлаб чиқиш;

— Методик мажмуалар ( дастур, дарслик, ўқув режа, методик қўлланма; ва тавсиялар) яратиш;

— Янги таҳрирдан чиққан ДТСларини махсус таълимга мослаштириш, шунингдек, имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим мактабларида таълим олишларини инobatга олган ҳолда





инклюзив мактабга мос келувчи вариатив ўқув режаларини ишлаб чиқиш;

— Республикадаги имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг коррекцион ёрдамга йўналтирилган ягона маълумотлар базасини янги замонавий компьютер технологиялари асосида яратиш.

### 3. Бошқарув йўналишида:

— Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан алоқадор турли ташкилотлар, бўлимларни бирлаштириб турувчи, мувофиқлаштирувчи марказ яратиш;

— Давлатлараро кўпқиррали ривожлантиришни таъминлаш; (семинарлар, анжуманлар уюштириш, тажриба алмашиш, журналлар чоп этиш ва ҳоказо).

— Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни ижтимоий мослашиш ва реабилитация қилиш бош мувофиқлаштирувчи Республика илмий-амалий марказини ташкил этиш.

### 4. Мактаб йўналишида:

— Инклюзив таълимни амалиётга татбиқ этишда молиявий таъминот ва хусусий манбалардан фойдаланишни кенгайтириш;

— Инклюзив мактаб учун керакли моддий-техник базани ўрганиш бўйича таклифлар киритиш.

## **XI. Оилада махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълимга тайёрлашга оид тавсиялар**

Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим-тарбияси махсус ёки умумтаълим муассасаларда амалга оширилса-да, бундай болаларнинг таълим-тарбиясида оила асосий ўринда туради. Оила фарзанднинг эртанги тақдирига, келажагига энг биринчи галдаги масъул ва жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фарзанд қай ҳолатда бўлишидан қатъий назар уни ўқитиш ва тарбиялаши, жамиятга мослаштириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, нуқсонларини имкон борича тўғрилаш йўлларини излаб топишлари шарт. Кўпинча ота-оналар ўз фарзандининг нуқсонини аниқлашда ва унга тиббий, психологик, педагогик ёрдамларни ташкил этишда етарлича билимга эга бўлмайдилар. Ҳозирги кунда эса турли хил методик тавсиялар, ахборот матбуот воситалари орқали бундай болалар билан шуғулланиш учун машғулотлар тарғибот қилиниб, маслаҳатлар бериб борилмоқда. Улар жумласига Л. Мўминова томонидан тайёрланган «Оилада ногирон ва ёрдамга муҳтож болаларни тарбиялаш ҳақида» (Тошкент-1999 йил) номли ота-оналар учун тавсиялар, Р. Шомахмудова томонидан тайёрланган «Тўғри талаффузга ўргатиш ва нутқ ўстириш» (Тошкент, «Ўзинкомцентр»-2002 йил) номли қўлланма, «Церебрал фалаж бўлган илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар» (Р. Шомахмудова ва бошқалар, Тошкент-1997 йил) номли методик қўлланма, «Оилада нуқсонли болани тарбиялаш»



(Р. Шомахмудова, Тошкент-1999 йил), Р. Шомахмудова томонидан ёзилган «Ниҳол ёшидан...» номли илмий-амалий мақолаларни (Соғлом авлод газетасида 2001 йил 16- 22 август сони тавсия этамиз. Бундан ташқари ногирон болалар коррекцион таълимини ташкил этишга оид маслаҳатлар борасида Республика Таълим марказининг Махсус таълим бўлими «Инклюзив таълим ресурс маркази»га ҳам мурожаат этишлари мумкин. Телефон: 245-58-64

Таянч ҳаракат аъзоларида камчилиги бўлган болаларни оилади тарбиялаш, мактабга тайёрлаш жараёнида қўпчилик ота-оналар қийинчиликларга дуч келадилар. Чунки боладаги нуқсоннинг даражалари турлича бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш лозим. Бунинг учун ота-она бола билан олиб бориладиган машқлар хусусида етарлича билим ва маълумотга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ота-она махсус таълим мутахассислари билан чамбарчас боғлиқликда иш олиб боришлари, болага илк ёшидан эътибор бериб, нуқсонни тузатиш устида ишлаши керак. Ота-оналарнинг ногирон фарзандига онгли муносабатда бўлиши ва тегишли мутахассисларга боланинг илк ёшидан мурожаат қилиши бу бола келажагига жуда катта ижобий таъсир этади.

Биз қуйида ота-онага маслаҳат сифатида ҳаракат таянч аъзолари фалажланган болалар билан оила шароитида олиб бориладиган оддий машқлардан намуналар келтирамыз.

Ҳаракат таянч органлари фалажланган болаларда мускул фаолияти бузилган бўлиб, бунинг натижасида тана ҳаракати ва ҳолатларида



муаммолар юзага келади. Бунга сабаб, мия ҳаракатининг бошқарувчи кичик бир қисмини ҳомила даврида, туғруқ вақтида ёки бола ҳаётининг дастлабки босқичларидаёқ илк ёшда (2 ёшгача-нутқ ривожлангунга қадар) шикастланишидир. Натижада мускуллар миянинг шикастланган қисмидан нотўғри кўрсатма оладилар. Бу уларни ҳаракатсиз ёки бўшашган ҳолатга келтиради. Фалаж болаларнинг купчилигида миянинг шикастланиши оқибатида кўриш, эшитиш, нутқ ва ақлий ривожланишида ҳам турли нуқсонлар кузатилади. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш ва уни бартараф-этиш-тиклаш бўйича қуйидаги машқлар намунасини тавсия этамиз.

Нафас олишини яхшилайдиган машқлар.

Болага ўйин тарзида:

— бурундан чуқур нафас олиб, бурундан чиқариш;

— бурундан чуқур нафас олиб, оғиздан чиқариш;

— оғиздан нафас олиб оғиздан чиқариш;

— оғиздан нафас олиб, бурундан чиқариш таклиф этилади. Нафас машқларидан ташқари нафас олиш ҳаракатини фаоллаштирадиган машқлар ҳам бажартирилади. Бунинг учун тақлид йўли билан болани пахта бўлакчаларни пуфлашга, ўйинчоқ сурнайни ва турли хил капалакчаларни пуфлашга ўргатилади. Бундай машқлар бола учун жуда қизиқарли бўлиб, бу машқлар нутқий нафасни ва нутқни яхшилайдди. Машқлар ҳар куни 3 минутдан бажарилади.

Артикуляцион (нутқий) органларни фаоллаштириш учун машқлар:

1. Лабни чўччайтириш - «кувача» қилиш;

2. Лабни жилмайтириш;

3. Тил билан лабларни ялаш «Ширин мураббо» машқи;

4. Тилни лабнинг у ёнидан бу ёнига қимирлатиш «Соатча» машқи;

5. Тилни юқори тишлар орқасига тираб кўтариб туриш «Юганча» машқи (Бу машқни агар бола бажара олмаса ота-она бирор бир буюм масалан, қошиқ ёрдамида болага тилини кўтариб туришга ёрдам беради);

6. Тил билан танглайни ялаш;

7. Тил билан аввал тепа тишларни кейин пастки тишларни ялаш- "Бўёқчи машқи» кабилар. Фалаж болалар бу машқларни бажаришда жуда катта қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Бунда ота-она болага юқори даражада ёрдам бериб туриши керак.

Силаш йўли билан юз ва лаб мускулларини бўшаштириш:

1. Пешонанинг ўртасидан чеккаларга қараб.

2. Қошларидан бошнинг сочли қисмигача.

3. Пешона чизигидан бошлаб пастга бутун юз орқали бўйингача.

4. Қулоқ юмшоғидан юзлар бўйлаб бурун қанотларигача.

5. Юқори лабдан оғиз бурчаги ургасигача.

6. Пастки лабдан оғиз бурчагигача.

Бундай ҳаракатлар майин силашлардан иборат бўлиб, секинлаштирилган маромда бўлиши талаб қилинади. Ҳар бир ҳаракат олти-етти марта такрорланади ва уч дақиқадан ортмаслиги керак. Мазкур амалий машқлар фалаж ногирон болалар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса бу машгулотларни илк ёшдан бошлаб эътибор билан амалга оширилса янада самарали кечади.

Ҳаракат-таянч аъзолари фалажланган болалар бошқа болалар сингари ривожланмасада, аммо улар ҳам барча ривожланиш босқичларини босиб ўтишади. Фақат уларга илк ёшдан алоҳида ёрдам лозим ҳолос.

Ҳаракат таянч аъзоларида нуқсонли бўлган фалаж болалар билан уй шароитида боланинг имконияти, қобилияти, артикуляцион ва унинг маторикасининг сустиги ёки фаоллигига қараб машқларнинг босқичма босқич олиб борилиши тавсия этилади.

Фалаж ногирон болалар илк ёшдан оилада яққа тартибда шуғулланиб ҳаракат аъзоларидаги ва нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган турли хил коррекцион-педагогик, психологик тиббий, реабилитация, муолажа ишларини мужассам равишда олиб бориш боланинг мактабга тайёргарлигини, нуқсонларини эрта ва самарали коррекциялашни таъминлайди.

Имконияти чекланган болага оилада илк ёшдан бошлаб эътибор бериб ундаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, тарбиялаш, даволаш ва коррекцион педагогик омилларни боланинг нуқсон турига қўра қўллай билиши ва ўқув-методик адабиётлардан фойдаланиб, мунтазам равишда мактабгача ва мактаб таълимига тайёрлаб борилса, кейинчалик бу болалар махсус таълим тизимида чегараланиб қолмасдан, балки улар барча тенгдошлари қатори умумтаълим тизимида ўқиш имкониятига ҳам эга бўлади. Фарзандларимизнинг келажакда соғлом-баркамол, комил инсон бўлиб етишиши ўз қўлимизда.



## ХУЛОСА

Демак, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларга умумтаълим муассасалари шароитида таълим ва тарбия бериш натижасида болалар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланиб боради, уларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли мослашувларини таъминлайди.

Инклюзив таълимнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимига киритилишини яна бир аҳамиятли томони шундаки, махсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам имконияти чекланган болаларни таълимга тўлиқ тортиш имконини беради.

## Тавсия этиладиган адабиётлар

1. «Таълим тўғрисида»ги қонун.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»
3. «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»- ХТВ 234-сонли буйруғи- 2005 йил 19 сентябрь.
4. Туре Йонсон томонидан тайёрланган - «Инклюзив таълим» («Оперейшен Мерсий» ташкилоти томонидан таржима қилинган.) Тошкент-2003 йил. ўқитувчилар учун қўлланма.
5. Рой Марк Конки «Инклюзив синфларда ўқувчилар эҳтиёжларини англаш ва бу эҳтиёжларни қондириш» Тошкент-ЮНЕСКО-2004йил. ўқитувчилар учун қўлланма.
6. «Мактаблар ҳамма учун»- «Болаларни қутқаринг жамғармаси» томонидан чоп этилган -2002 йил.
7. «Дакарские рамки действий»- ЮНЕСКО-2000 йил. Францияда чоп этилган.
8. «Мактабларни олқишлаб-инклюзив мактаблардаги ногирон ўқувчилар» ЮНЕСКО - 1999 йил.
9. «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш» мавзусидаги илмий - назарий конференция материаллари. Тошкент- «Узинкомцентр»-2002 йил.
10. «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси-Тошкент-2003 йил.
11. «Проблемы включения детей со специальными образовательными потребностями в общеобразовательный процессе» Материалы республиканского семинара Алматы. - Алматы «Раритет» 2002 йил.
12. «Халқаро форум материаллари»-Тошкент - Республика болаларни ижтимоий адаптациялаш - 2005 йил.
13. Р. Шомахмудова. «Развитие инклюзивного образования в Республике Узбекистан» - «Хабарши вестник»- Олмота-2005 йил. Журнал-№2(7) 74-77 бетлар.
14. «Таълим ҳамма учун» - Дакар Декларацияси-2002 йил.
15. «Таълим ҳамма учун миллий дастурини жорий қилиш масаллари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-2005 йил.
16. Р. Шомахмудова «Инклюзивное образование-Инклюзивному обществу» - «Учитель Узбекистана», 2001 йил.
17. Р. Шомахмудова, Н. Гаффарова «Рядом с нами» - «Учитель Узбекистана», 4 июнь 2004 йил.
18. Н. Холматова «Таълим барчага бирдек» - «Маърифат», 2003 йил 15 октябрь.

## МУНДАРИЖА

I. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асослари .....	3
II. Таълимни ташкил этиш турлари .....	5
III. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва унинг асоси .....	9
IV. Инклюзив таълимни жорий қилишда барча мамлакатларнинг вазифалари .....	11
V. Халқаро миқёсда ва Ўзбекистонда инклюзив таълим концепциясини жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ...	12
VI. Инклюзив таълимни амалиётга жорий этишдаги ташкилий ва услубий ишлар .....	25
VII. Инклюзив таълимда мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс педагог ва унинг вазифалари .....	28
VIII. Республикада имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш жараёнидаги дастлабки тажрибалар .....	31
IX. Инклюзив синфларда таълим олаётган болаларнинг хусусиятларига кўра дарс жараёнида коррекцион ёндашилган машғулотларнинг тахминий намуналари .....	39
X. Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимлари .....	43
XI. Оилада махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълимга тайёрлашга оид тавсиялар .....	46
<i>Хулоса</i> .....	50
<i>Тавсия этиладиган адабиётлар</i> .....	51

Босишга рухсат этилди 25.05.2007 й. Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Нашр табоғи 3,25 б.т.  
Адади 200 нусха.

ХТ «Раззоқов О.Ж.» босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, 700129.  
Навоий кўчаси, 30. Буюртма № 135.

